

БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ ИЖОДКОРЛИК ҚОБИЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Нарзиқулов Зиётдулла Саҳоб ўғли

Жиззах ш. “Прогресс плюс” ўқув маркази директори

Резюме

Мақолада бршлангич синф ўқувчилари ижодкорлик қобилиятини ривожлантириш ҳақида баъзи мулоҳазалар баён қилинади

Калит сўзлар: болалар, имконият, қобилият, ижодкорлик, чўкинди, қофоз, кўникмалар, мустақиллик, вазият, муаммо

Резюме

В статье излагается некоторые мысли развитие творческой способности учеников начальных классов

Ключевые слова: дети, возможность, способность, творчество, осадка, бумага, умение, самостоятельность, ситуация, проблема

Ҳар қандай мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ва халқининг турмуш тарзи кўп жиҳатдан ундаги ижодкорлар имконияти даражаси билан белгиланади. Чунки, халқи ижодкор бўлган мамлакат барча соҳаларда доимо илфор бўлади. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз раҳбарияти таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш орқали ёшларни фаол ижодкорлик руҳида тарбиялашга катта эътибор қаратаяпти, ижодкор ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш давлат сиёсати даражасига қўтарилимоқда. Бу сиёсатни муваффақиятли амалга ошириш эса узлуксиз таълим тизимида ёшларнинг илмий, техниковий, бадиий ижодкорлиги қобилиятларини ривожлантиришга оид барча ишларни самарадорлигини оширишни тақозо этади.

Асримиз техника асри бўлиб тарихга кираётгани барчага аён, чунки қайси соҳани олмайлик техника-жамиятнинг бош ишлаб чиқариш кучи ҳисобланади. Шу маънода, айтиш мумкинки, ватанимиз келажаги ва тақдири унинг олтмиш фоиздан қўпроқ ёшларининг техник ижодкорлик қобилиятларини давр талабига жавоб берадиган даражада ривожлантиришга бевосита боғлиқ.

Қобилият ёки тўлиқроқ қилиб айтганда ижодкорлик қобилиятини ривожлантириш-узоқ давом этадиган ва мураккаб жараён бўлганлиги учун бу ишни болаларнинг мактабга келган биринчи куниданоқ бошламоқ керак. Афсуски ҳозиргача бошлангич технология дарсларида нарсанинг нусхасини тасвирлаш, кўпайтириш ёки таъмирлаш, эсда қолган нарсани тасвирлаш методи (репродуктив) етакчи бўлиб келмоқда. Ана шундай фаолиятни ҳатто “болалар ижодкорлиги” деб талқин этилади, аслида эса бу жараён болаларда ижодкорлик элементларини тўлиқ ривожлантира олмайди. Бу методда болаларнинг

ижодкорлик имкониятлари түлиқ намоён бўлмайди, уларнинг мустақил ишлаши, ташаббускорлиги каби сифатлари ривожланмайди.

Буни қуидагича изоҳлаш ўринли.

Биринчи синфларда қоғоздан қайиқча ясаш (қайиқнинг кичрайтирилган макети нусхаси) ўргатилади. Болалар буни қизиқиббажарадилар ва маълум даража (ўз имкониятларига кўра) уддалайдилар ҳам. Аммо бу ҳали уларнинг техник ижодкорлиги қобилиятини тўла ривожлантира олмайди. Бор йўғи ўқувчиларнинг уқуви ривожланади ҳалос. Ижодкорлик қобилиятини ривожлантириш ҳамиша муаммоли вазиятни вужудга келтириш ва уни бартараф этиш йўлларини топиш билангина амалга оширилади. Бунинг учун ўқитувчи юкоридаги вазиятни болаларнинг қоғоздан тайёрлаган қайиқчасидан бирини сувли идишга қўяди. У дастлаб сузуб туради ва маълум вақт ўтгач қофоз сувни ўзига шимиб ҳўлланиш натижасида чўкиб қолади. Ушбу ҳодисани болаларга намойиш этиб ўқитувчи уларга қуидаги муаммоли саволлар билан мурожаат қиласи. Қоғоздан ясалган қайиқча сувда чўкиб қолмаслиги учун нима қилиш керак?. Албатта биринчи синф ўқувчилари бу саволга жавоб беришга қийналишади. Шунда ўқитувчи ўхшашидан фойдаланиш методи орқали ўрдак ва ғозларнинг сувда сузганда нега чўкиб кетмаслиги сабабини тушунтиради.

Худди шу машғулотда ўқитувчи болаларга бир йўла бир неча қатламли қоғозни қирқиша қайчини қайси томонга қийшайтириш (ўнгами ёки чапгами) зарур деган саволни беради. Муаммони ҳал қилиш давомида ўқувчиларнинг техникага оид ижодкорлик қобилияtlари олдин таъкидланган фақат нусха кўчиришдагига нисбатан сезиларли ривожланади.

Бошланғич синфларда ўқувчилар ижодкорлик қобилиятини ривожлантириш бизнингча ўзида учта турдаги фаолиятни мужассамлаши мақсадга мувофиқ, унга: конструкторлик, технологик ва ташкилий-техник фаолиятлар киради. Ана шу фаолиятларга мос ҳолда учта типдаги топшириқ (масала) шакллантирилади. Бу масалаларнинг ҳар бири маълум муаммоли вазиятни ҳал қилишни назарда тутиши лозим.

Конструкторлик топшириқлари:

1. Буюмнинг ишончли, турғун ва мустаҳкамлигини яхшилаш;
2. Заарали салбий оқибатларни бартараф қилиш усулларини танлаш;
3. Деталнинг энг мувофиқ сони, шакли, бириктирилишини аниқлаш;
4. Моделнинг қулай ишлашини таъминловчи ўзгартиришлар киритиш;
5. Буюм деталлари ва қисмларининг ўлчамларини сақлаган ҳолда ўзгартиришлар киритиш;
6. Буюмнинг таъсир доирасини қисқартириш ёки кенгайтириш.

Технологик топшириқлар:

1. Ўлчаш ва назорат қилишнинг мувофиқ усулини танлаш (ўлчов асбобларисиз тўртбурчак қоғоздан квадрат қандай ҳосил қилинади);
2. Қийин жараённи тез, тежамкор бажарадиган мосламадан фойдаланиш (арчани безаш учун қоғоздан шарик тайёрлаш);
3. Хомашёни тежайдиган технологияни танлаш (тўтбурчак қоғоздан тез ва тежамкорлик билан тўртта бир хил доира (айлана) қандай ҳосил қилинади?);
4. Ўз кучингизни кам сарфлайдиган технологияни танлаш;
5. Буюм сифатини яхшиловчи ва қийин жараённи соддалаштирувчи технологияни танлаш.

Ташкилий-техник топшириклар:

1. Мехнатни (ишни) мувофиқ ташкил қилиш;
2. Иш жойини мувофиқлаштириш;
3. Мослама ва ускуналардан фойдаланиш имкониятини ошириш;
4. Ишни бажариш усулларини такомиллаштириш.

Юқорида санаб ўтилган муаммолар ва тавсиялар таҳлили ва ўтказган тажрибаларимиз натижаларига кўра бошлангич синф ўқувчиларининг ижодкорлик қобилиятларини ривожлантириш методлари ичida ўхшашликдан фойдаланиш методи (усули), аксини бажариб кўриш, техник объектларни бирлаштириш, маҳаллий сифатни ошириш усулларидан фойдаланиш яхши самара беради. Чунки бошлангич синф ўқувчиларининг билим, кўникма ва укувлари даражаси мураккаб масалаларни ҳал қилишга йўналтирилган модулли-техник эксперимент, морфологик таҳлил, ақлий ҳужум ва бошқа методлардан фойдаланишга етарли эмас.

Айтилганларга баъзи мисоллар келтирамиз. Жумладан, ўхшашидан фойдаланиш усулига ўқувчиларга оддий шприц арининг чақишидаги ўхшашликдан фойдаланиб ихтиро қилинганлигини тушунтириш маъқул. Шунингдек аксини бажариш усулига гутуртнинг ёндирувчи каллагини чўпининг битта учига эмас аксинча иккинчи учига ҳам бўлишини таъминлаш билан икки баравар тежамкорликка эришишни айтиш. Бирлаштириш усулига оддий болганинг иккинчи томонини мих суғурадиган қилинганлиги, уйларнинг қулфини очадиган калитнинг юқори учига шишалар қопқоғини очадиган ўйиқча қилинганлиги кўрсатилади. Маҳаллий сифатни оширишга мисол қилиб пичоқларнинг бутун юзасини эмас фақат тифининг ўткирлигини таъминлаш учун тоблаб ишлов бериш ва бошқа кўплаб оддий мисоллар келтирилади.

Аммо сўз юритилган ижодкорлик муаммо ва усулларини ҳам ўқувчилар ижодкорлик қобилиятларини ривожлантириш учун етарли деб бўлмайди. Қийин тўлдирувчи омил бу ижодкорлик фаолиятини таъминловчи кўрсаткичлар ҳисобланади. Куйида уларга тўхталамиз.

1. Олдин ўзлаштирган билим ва кўникмаларни янги муаммоли вазиятга мустақил кўчириб қўллаш. Айтайлик катта магнит сиртига пўлат қириндилар ёпишиб қолади. Уларни қандай йиғиштириб олиш мумкин? Бу саволга ўқувчиалр жавоб бериши учун пластилиннинг хусусиятини билишлари талаб этилади.

2. Таниш вазиятда янги муаммони кўра билаш ва уни ҳал қилиш. Болаларнинг ботинкасидаги боғичи уни ечганда қўпинча маҳсус тешикчаларнинг юқоригиларидан чиқиб кетади ва қайта кияётганида ноқулайлик (тешикдан боғичларни ҳар сафар қайтадан ўтказиш) талаб қиласди. Буни қандай бартараф қилиш мумкин? Оёқ эркин чиқадиган ҳолатда боғичга чиройли тутмача қадалади ва у тешикдан ўтмасдан боғичнинг чиқиб кетишининг олдини олади.

3. Объект (буюм) нинг янги вазифасини кўра билиш. Оддий қаламдан қоғозларга тешик очиш, пиёладан айланана чизишда фойдаланиш, яrim йигилган ҳолатда елпигич ёйилганда эча шляпа бўладиган буюмлар ва ҳоказо.

4. Объект таркибини тўғри тасаввур қилиш. Бу қўрсаткичнинг моҳияти шундаки, конструкциянинг битта деталини ўзгартириш бошқаларининг ҳам ўзгаришига олиб келади. Кўзойнак конструкцияси деталларини йиғиладиган, ихчам, қулай қилиб тайёрлаш уни сақлайдиган ғилофининг ҳам ўзгаришига олиб келади.

5. Муқобил ечимни излаш. Бу қўсаткич бир неча ечимлар ичидан энг содда, қулай вариантини танлашни назарда тутади.

6. Янги ижобий ечимни топиш учун аввалдан маълум ечим усулини комбинациялаштириш (янги ечимда қўллаш); Олдинлари ишлатилиб келинган идишда сақланадиган суюқ елим (клей) ўрнига уни қўлтиққа суркаладиган рексонадан фойдаланиш.

Хулоса қилиб айтганда, бошланғич синфларда ўқувчилар ижодкорлик қобилиятини ривожлантириш мазкур усуллардан оқилона фойдаланишни тақозо этади. Чунки ўқув фаолиятидаги барча жараён бирдек қизиқарли бўлмаганлиги сабабли, болаларда иродавий диққатни, фаолликни аста-секинлик билан олиб бориш лозим бўлади. Бошланғич синф ҳали мослашишлар даври эканлигини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг ижодкорлик фаолиятига алоҳида эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқдир. Акс ҳолда эса, баъзи мураккаб ижодкорлик масалалар ечими уларнинг қизиқишини сўндириб қўйиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

- Тоғаев Х. ва бошқалар. Касб-хунар таълимени ривожлантиришнинг илмий-педагогик асослари. Қарши ДУ конференция тўплами, 16-17 июнь. 2007 й.
- Исомилов Т.Ж., Тоғаев Х. Ўқув предметларини ўқитишда шахсни тарбиялашнинг баъзи имкониятлари. Халқаро илмий-техник анжумани. 2-қисм ЖиззахПИ, 2021 й 29-30-октябрь.
- Б. Кедров. О творчестве в науке и технике Москва, “Молодая гвардия” 1987 г.